

# I. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 9741 тани ташкил қилиб, шундан 9469 таси ёки 97,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 1962 та (20,1 фоизи), саноат 1567 (16,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1071 та (11,0 фоизи) ва қурилиш 870 та (8,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

## 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) (2018 йил 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>9741</b>	<b>100</b>	<b>9469</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1071	11,0	1040	11,0
саноат	1567	16,1	1516	16,0
қурилиш	870	8,9	846	8,9
савдо	1962	20,1	1915	20,2
ташиш ва сақлаш	384	3,9	377	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	709	7,3	686	7,2
ахборот ва алоқа	107	1,1	104	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	204	2,1	201	2,1
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2867	29,4	2784	29,4

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни  
ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)  
(2018 йил 1 январь ҳолатига)

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида	
		тижорат корхоналари	нотижорат корхоналари
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>9741</b>	<b>80,9</b>	<b>19,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	3020	26,3	4,7
Зарафшон	570	4,7	1,1
<i>туманлар:</i>			
Кармана	1692	15,3	2,1
Конимех	286	1,8	1,1
Қизилтепа	1105	9,2	2,2
Навбахор	826	6,7	1,7
Нурота	778	6,2	1,7
Томди	170	1,1	0,7
Учқудуқ	337	2,5	0,9
Хатирчи	957	7,0	2,9


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 80,9 фоизи тижорат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 34,9 фоизи хусусий корхоналар, 5,2 фоизи оилавий корхоналар, 37,4 фоизи масъулияти чекланган жамиятлар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акционерлик жамиятлари, 2,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган корхоналарни 1865 таси нотижорат мулки шаклидаги корхоналар бўлиб, шундан жамоат ташкилотлари (бирлашма, фонд, уюшма) 5,3 фоизни, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари 3,1 фоизни ва муасссалар 9,3 фоизни, бошқа нотижорат ташкилотлари 1,4 ташкил этди.


**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакл (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз)лари (2018 йил 1 январь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**

2016 йил январь-декабрь

2017 йил январь-декабрь



**2018 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз бирликда)**



2017 йил январь-декабрда жами 1305 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1228 та). Уларнинг асосий қисми Хатирчи 124 та (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 9,5 фоизи), Навбахор 143 та (11,0 фоиз), Қизилтепа 130 та (10,0 фоиз), Навоий шаҳар 395 та (30,3 фоиз) Кармана 217 та (16,6 фоиз) ва Нурота 122 та (9,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 22,7 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 21,5 фоизи саноат ва 16,5 фоизи савдо, 11,3 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаларига тўғри келади. Шунингдек, ҳисобот даврида 657 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

**Оилавий корхоналар сони**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисизбирлик)

	2018 йил 1 январга рўйхатга олинган	2017 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	тугатилди
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>506</b>	<b>168</b>	<b>25</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	139	44	8
Зарафшон	13	10	0
<i>туманлар:</i>			
Кармана	159	44	6
Конимех	10	3	2
Қизилтепа	13	5	0
Навбахор	90	20	2
Нурота	44	25	5
Томди	10	1	0
Хатирчи	28	16	2

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони**  
(2018 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

	<i>Жами рўйхатга олинганлари</i>	<i>жумладан, фаолият кўрсатаётганлари</i>	<i>Фаолият кўрсатаётганларни жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>62</b>	<b>60</b>	<b>96,8</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	20	19	95,0
Зарафшон	2	2	100,0
<i>туманлар:</i>			
Кармана	22	22	100,0
Конимех	2	2	100,0
Қизилтепа	4	4	100,0
Навбаҳор	3	3	100,0
Нурота	5	5	100,0
Томди	1	-	-
Учқудук	1	1	100,0
Хатирчи	2	2	100,0

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони**  
(бирлик)

	Рўйхатга олинганлар	2017йил январь-декабрда	
		ташкил этилган <sup>1)</sup>	тугатилган
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>62</b>	<b>3</b>	<b>3</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	20	1	1
Зарафшон	2	-	-
<i>туманлар:</i>			
Кармана	22	-	2
Конимех	2	-	-
Қизилтепа	4	-	-
Навбахор	3	-	-
Нурота	5	1	-
Томди	1	-	-
Учқудук	1	-	-
Хатирчи	2	1	-

<sup>1)</sup> қайта ташкил этилганлар билан